

**О'ЗБЕКИСТОН  
ФАРМАСЕВТИК  
ХАВАРНОМАСИ**

**4**  
2019

**ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ  
ВЕСТНИК  
УЗБЕКИСТАНА**

**FARMASEVTIKA ISHINI TASHKIL ETISH  
VA DORI VOSITALARI TEXNOLOGIYASI**

**СТАНДАРТИЗАЦИЯ**

**FARMAKOGNOZIYA VA  
FARMASEVTIK KIMYO**

**КОНТРОЛЬ**

**DORI VOSITALARNING  
NOJO'YA TA'SIRLARI**

**РЕГИСТРАЦИЯ**

**FARMINSPEKSIYA  
MA'LUMOTLARI**

**FARMAKOLOGIYA**

ISSN 2181-0311

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ  
ФАРМАЦЕВТИКА ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ  
“ДОРИ ВОСИТАЛАРИ, ТИББИЙ БУЮМЛАР ВА ТИББИЙ ТЕХНИКА  
ЭКСПЕРТИЗАСИ ВА СТАНДАРТЛАШТИРИШ ДАВЛАТ МАРКАЗИ” ДУК

**ЎЗБЕКИСТОН ФАРМАЦЕВТИК  
ХАБАРНОМАСИ**  
Илмий-амалий фармацевтика журнали

---

**ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ВЕСТНИК  
УЗБЕКИСТАНА**  
Научно-практический фармацевтический журнал

*Журнал 1996 йилдан бошлаб наиз этилади*

**4/2019**

**Главный редактор:** д.ф.н., проф. Азизов И.К.

**Редакционная коллегия:**

д.ф.н., Дусматов А.Ф. (зам. главного редактора)  
Сагатова Д.С. (отв. секретарь)

д.б.н., проф., Нуритдинова Н.Р.; д.б.н., проф., Эргашева М.Ж.; д.м.н., проф. Шаисламов Б.Ш.;  
к.ф.н. Балтабаева Г.Э.; к.ф.н. доцент Нуритдинова А.И.; к.ф.н. Ибрагимова М.Я.; д.ф.н., проф.,  
Джалилов Х.К.; Бердиев Н.Н.; Темиров А.С.; Таджиханов З.Х.; к.х.н., проф., Убайдуллаев К.А.;  
д.ф.н., проф., Урманова Ф.Ф.; д.ф.н. проф., Кариева Ё.С.

**Редакционный совет:**

д.х.н., проф. Азизов У.М. (Ташкент); д.б.н., проф. Азимова Ш.С. (Ташкент); д.ф.н., проф.  
Зайнутдинов Х.С. (Ташкент); д.м.н., проф. Мавлянов И.Р. (Ташкент); д.ф.н., академик Махатов  
Б.К. (Казахстан); Насырова Д.Г. (Ташкент); д.ф.н., академик Попков В.А. (Москва); д.ф.н., проф.  
Попкова О.В. (Москва); д.х.н., проф. Тураев А.С. (Ташкент); к.ф.н., доцент Халимов А.Х.  
(Ташкент); д.ф.н., проф. Чулпанбаев К.С. (Бишкек); д.ф.н., проф. Юнусова Х.М. (Ташкент).

Адрес редакции:

100002, Республика Узбекистан, г. Ташкент,  
ул. Озод, пр. К.Умарова 16.  
Тел: (+998 71) 242 48 93, (+998 71) 249 47 93  
Факс: (+998 71) 242 48 25  
E-mail: farmkomitet@minzdrav.uz

“Фармацевтический вестник Узбекистана” №4-2019  
Регистрировано 12.01.2018 г.  
Удостоверение № 0543

Подписано в печать

Объем 62x84 1/8 18,75 усл. печ. л. Тираж 100.  
Сверстано и отпечатано в ООО «O'zkitobsavdonashriyoti»  
г. Ташкент, ул. Амира Темура, 25.  
Тел.: (+998 93) 511 28 06

## СОДЕРЖАНИЕ

### ОФИЦИАЛЬНЫЕ ДОКУМЕНТЫ

Приказ МЗ РУз от 12 ноября 2019 года №96 «Об утверждении списка безрецептурных лекарственных средств».....	5
--	---

### ОРГАНИЗАЦИЯ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОГО ДЕЛА И ТЕХНОЛОГИЯ ЛЕКАРСТВЕННЫХ СРЕДСТВ

С.Х. Кариев, Н.Н. Бердиев, Х.К. Джалилов. Актуальные задачи подготовки к изданию Государственной фармакопеи Республики Узбекистан.....	35
Ш.З. Умарова, Н.М. Султанбаева, Ш.Т. Ильясов. Компьютерная программа для анализа и отображения региональной клинической картины заболеваний.....	45
У.М. Жалилов, Х.Ж. Камбаров. Оптимизация процессов получения сухого экстракта цикория обыкновенного.....	50
Н.Р. Умаралиева, А.М. Усуббаев. Разработка технологии кальций и витамин D <sub>3</sub> содержащих пастилок для детей.....	56
Х.А. Юлдашев, З.А. Назарова. Разработка технологии геля стомадент на основе местных лекарственных растительных средств.....	62
Г.М. Туреева, М.К. Усмонова, Х.К. Олимов. Разработка технологии и методов оценки качества лекарственных пленок комплексного действия, содержащих линкомицин и облепиховое масло.....	66
Ш.Ш. Холмуродов, Н.С. Файзуллаева. Технология и оценка качества мази противоаллергического действия.....	73

### ФАРМАКОГНОЗИЯ И ФАРМАЦЕВТИЧЕСКАЯ ХИМИЯ

З.А. Зупарова. ИК-спектроскопическое исследование полисахаридного состава сбора, полученного из эхинацеи пурпурной.....	77
М.Г. Исмаилова, И.Б. Шерматова, А.Р. Ахмедов. ИК-спектроскопическое и микроскопическое обоснования образования наночастиц серебра методом «Зеленого синтеза» .....	81
Ф.С. Жалилов, У.Ф. Мустафаев, И.М. Иминова, Ч.Т. Тоштемирова, Л.Т. Пулатова, Ф.С. Жалилова. Разработка метода хромато-спектрального анализа для химико-токсикологических исследований лекарственного препарата пароксетин.....	85

### ФАРМАКОЛОГИЯ

М.Ж. Аллаева, М.С. Юнусова, Х.М. Юнусова, М.Ш. Жалолитдинова. Исследование биоэквивалентности и биодоступности таблеток на основе диклофенака натрия с ИПН.....	90
Н.А. Юнусходжаева, Ж.Ш. Боймирзаев, Б.А. Имамалиев, Н.М. Ризаева, М.О. Акромова. Изучение безвредности и гемостатической активности геля «Гемостат».....	94
Н.А. Мусаева, И.К. Азизов. Эффект масла кунжута на антителообразование и органы иммунитета при гемолитической анемии.....	100
Б.А. Имамалиев, З.Т. Файзиева. Изучение острой токсичности, местно-раздражающего и аллергизирующего действия жидкого экстракта «Фитоэкземадерм» .....	103

### ПОБОЧНЫЕ ДЕЙСТВИЯ ЛЕКАРСТВЕННЫХ СРЕДСТВ

Новостная информация.....	109
---------------------------	-----

### ИНФОРМАЦИЯ УПРАВЛЕНИЯ ПО ЛИЦЕНЗИРОВАНИЮ И НАДЗОРУ

Информация Управления по лицензированию и надзору Агентства по развитию фармацевтической отрасли при Министерстве здравоохранения Республики Узбекистан .....	114
---	-----

### НОВОСТИ РЕГИСТРАЦИИ И ПЕРЕРЕГИСТРАЦИИ ЛЕКАРСТВЕННЫХ СРЕДСТВ, ИЗДЕЛИЙ МЕДИЦИНСКОГО НАЗНАЧЕНИЯ И МЕДИЦИНСКОЙ ТЕХНИКИ

Дополнения к Государственному Реестру лекарственных средств, изделий медицинского назначения и медицинской техники, разрешенных к применению в медицинской практике Республики Узбекистан (за IV кв. 2019 г.).....	125
Перечень нормативно - аналитических документов, утвержденных в Республике Узбекистан.....	195

### НОВОСТИ ФАРМАЦИИ И МЕДИЦИНЫ

Коротко об интересном.....	196
----------------------------	-----

**Таянч пборалар:** полимер доривор пардалар, линкомицин, чаканда мойн, полимерлар, пластификатор, технология, юпка каватли хроматография, спектрофотометрия.

**G.M. Tureeva, M.K. Usmanova, H.K. Olimov**

**Development of technology and methods for assessing the quality of medicinal films integrated action containing lincomycins and sea buckthorn oil**

In order to select the optimal technological option for complex action medicinal films containing lincomycin and sea buckthorn oil, 3 technological options for their preparation were studied. Based on the indicators of the physicochemical properties of the obtained film films, an optimal version of the technology of drug films was selected.

Methods have been developed for the qualitative and quantitative determination of active substances in films. In this case, thin layer chromatography and spectrophotometry methods were used.

**Key words:** polymer drug films, lincomycin, sea buckthorn oil, polymers, plasticizer, technology, thin-layer chromatography, spectrophotometry.

УДК 615.32:615.414

Ш.Ш. Холмуродов, Н.С. Файзуллаева

**АЛЛЕРГИЯГА ҚАРШИ ТАЪСИРГА ЭГА СУРТМА ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА СИФАТИНИ БАҲОЛАШ**

**ТЕХНОЛОГИЯ И ОЦЕНКА КАЧЕСТВА МАЗИ ПРОТИВОАЛЛЕРГИЧЕСКОГО ДЕЙСТВИЯ**

Тошкент фармацевтика институти

Разработан состав и технология мази “Аллергодерм” на гидрофобной и эмульсионной основе. Полученные мази были оценены по внешнему виду, однородности, показателю рН, термической и коллоидной стабильности, определено количественное содержание суммы флавоноидов в пересчёте на рутин (не менее 0,01%). При этом мазь “Аллергодерм”, приготовленная на гидрофобной – вазелин-ланолиновой основе показала хорошую термическую и коллоидную стабильность.

**Ключевые слова:** аллергия, мазь, технология, основы для мазей, качественные показатели.

**Мавзунинг долзарблиги.** Турли этнологияли аллергодерматозлар аҳоли орасида кенг таркалиши муносабати билан XXI аср глобал муаммоси бўлиб келмоқда ва булар жумласидан атопик дерматит касаллигидир.

Атопик дерматит - сурункали кечадиган кайтарилувчи иммуноаллергик тери яллиғланиши касаллиги бўлиб, аллергияга ирсий мойиллиги бор инсонларда кенг тарқалган. Атопик дерматит тарқок ёки локал терини қаттиқ қичиши, турғун гиперемия, папуловезикулёзли тошмалар, экссудация, терининг куруклиги, пўст ташлаши, экскорнация, лихени-фикациялар билан таърифланади. Тараккий этган давлатларда атопик дерматитни тарқалиши 10-20%. Сўнгги йилларда атопик дерматит билан оғриган беморларни сонни тобора ортиб бормоқда, шунингдек касалликни кечини ва тузалиши кийинлашмоқда. Атопик дерматит кўп ҳолларда бошқа аллергик касалликлар билан бирга кўшилиб учрайди - бронхиал астма (34% ҳолатларда), аллергик ринит (25% ҳолатларда)

ва поллиноз (8%) билан [1]. Атопик дерматит касаллигини сиртдан даволашга мўлжалланган препаратлар кўплигига қарамадан, масала тўлиқ ҳал этилмаган. Шу сабабли аллергодерматоз-ларни сиртдан даволашга мўлжалланган комплекс таъсир кўрсатувчи кўп компонентли фитосуртмаларни яратиш дерматология ва фармацевтик технологиянинг устувор йўналиш-ларидан биридир.

Келтирилганларни ҳисобга олиб, маҳаллий хом ашёлар ҳисобига аллергодерматозларни сиртдан даволаш учун мўлжалланган препаратлар номенклатурасини кенгайтириш долзарб масалалардан ҳисобланади.

**Ишнинг мақсади.** Аллергодерматозларни сиртдан даволаш учун мўлжалланган кўп компонентли суртма таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш ва сифатини баҳолаш.

**Усуллар.** Адабиётлар таҳлили натижасида Ўзбекистон Республикасида ўсадиган яллиғланиш ва аллергияга қарши ҳоссага эга доривор ўсимликлар мониторинги ўтказилди [2, 3].

Ўрганилган доривор ўсимликлардан ранжировкалаш усули ёрдамида аллергодерматозларни сиртдан даволашга мўлжалланган “Аллергодерм” йиғмаси таркибига кирувчи доривор ўсимликлар - доривор мойчечак, доривор тирнокгул гуллари, икки уяли газанда ва қалампир ялпизи барглари, оддий бўймадарон ва дала киркбўғими ўтлари (1:1:1:1:1) танлаб олинди. Ушбу йиғма асосида суюқ экстракт олинди ва сифати баҳоланди [4].

Олиб борилган дастлабки фармакологик изланишлар натижасида “Аллергодерм” йиғмаси таркибига кирувчи бўймадарон ўти, мойчечак гуллари, қалампир ялпизи барглари таркибида эфир мойлари, тирнокгул гуллари таркибида каротиноидлар, флавоноидлар, аскорбин кисло-таси, газанда барглари таркибида хлорофилл, каротиноидлар, ошловчи моддалар, пантотен кислотаси, дала киркбўғими ўти таркибида ошловчи моддалар, флавоноидлар, каротиноид-лар, фенолкарбон кислоталари ва кремний-органик бирикмалари борлиги сабабли ушбу йиғма ва ундан олинган суюқ экстракт буриштирувчи, антисептик, антимикроб, яллиғланишга ва кичишга қарши, анестетик, эпителизацияловчи, антициктерловчи ва намловчи таъсир кўрсатади [5].

Кўп компонентли суртма таркибига маҳаллий ўсимлик хом ашёлари асосида олинган «Аллергодерм» суюқ экстракти, димедрол, левофлораксин, борат кислотаси, кремний суви 0,6%, ментол каби дори моддаларни, шунингдек икки хил асос – вазелин ва сувсиз ланолин (1 турдаги асос) ҳамда кунгабоқар мойи ва асалари муми (2 турдаги асос) дан фойдаланилди. Суртмаларни баркарорлигини таъминлаш мақсадида уларнинг таркибига 0,1 г нипагин консервант сифатида қўшилди. Икки хил асосдаги суртмалар олдиндан стерилланган асосларда ва асептик шаронтида тайёрланди [6].

**Олинган натижалар.** Олиб борилган тадқиқотлар натижасида икки хил асосда – вазелин ва сувсиз ланолин (гидрофоб) ва кунгабоқар мойи ва асалари муми (эмульсион асос)дан фойдаланилди.

**1-таркиб.** «Аллергодерм» суюқ экстракти 5,0; димедрол 1,0; левофлораксин 0,05; борат

кислотаси 1,5; кремний суви 0,6% 5,0; ментол 0,5; ланолин сувсиз 20,0; вазелин 30,0; нипагин 0,1 г.

**Технологияси:** суртма асептик шаронтида олдиндан стерилланган асосларда тайёрланди. Бунинг учун стерил ховончага димедрол, борат кислотаси ва ментол устига томчилатиб суюқ экстракт, антибиотик эритмаси солиб аралаштирилди, сўнг кремний суви солинди, ҳосил бўлган аралашма устига сувсиз ланолин солиб эмульгирланади ва устига вазелин қўшиб бир хил масса ҳосил бўлгунча аралаштирилади. Сўнг суртмага нипагин қўшиб аралаштирилади. Суртма кўнғир рангли оғзи кенг бурама пластмасса копкакли идишга жойланади.

**2-таркиб.** «Аллергодерм» суюқ экстракт 5,0, димедрол 1,0, левофлораксин 0,05, борат кислотаси 1,5, кремний суви 0,6% 5,0, ментол 0,5, асалари муми 3,0, кунгабоқар мойи 50, нипагин 0,1 г.

**Технологияси:** суртма асептик шаронтида, олдиндан стерилланган асосларда тайёрланди. Бунинг учун стерилланган шиша идишда димедрол, борат кислотаси ва ментол устига томчилатиб суюқ экстракт, антибиотик эритмаси солиб аралаштирилди, сўнг кремний суви солинди, ҳосил бўлган аралашма стерил ховончада эритилган асалари муми ва кунгабоқар аралашмасига устига оз-оздан қўшиб бир хил масса ҳосил бўлгунча аралаштирилади. Сўнг суртмага нипагин қўшилиб аралаштирилади. Суртма кўнғир рангли оғзи кенг бурама пластмасса копкакли идишга жойланади [6].

Олинган суртмаларнинг сифат кўрсаткичлари XI ДФ талабига биноан куйидаги кўрсаткичлар бўйича баҳоланди: ташки кўриниши, бир хиллиги, рН кўрсаткичи, термик ва коллоид турғунлиги.

Тайёр бўлган суртмалар ташки кўриниши баҳоланди: оқ-сарғиш рангли, ўзига хос ёқимли хидга эга, бир хил. “Аллергодерм” суртмасининг рН кўрсаткичлари XI ДФ талабига биноан потенциометрик усулда амалга оширилди ва суртманинг рН 5,8-6,2 оралиғида деб белгиланди (1-жадвал).

1-жадвал

“Аллергодерм” суртмасининг рН кўрсаткичларини аниқлаш натижалари

x%	Метрологик тавсифи
5,93	$X_{\bar{y}}=5,976$ , $S=0,07635$ , $S_x=0,03415$ , $t(95\%,4)=2,776$ , $\Delta X=0,21196$ , $\Delta X_{\bar{y}}=0,09479$ , $E, \%=3,54685$ , $E, \%_{\bar{y}}=1,58620$
5,92	
6,00	
6,10	
5,93	

Суртмаларнинг термик турғунлигини аниқлаш уч хил шароитда ўрганилди: 1) +45<sup>0</sup>С ҳароратда 14 сутка давомида; 2) -10<sup>0</sup>С ҳароратда 14 сутка давомида; 3) +45<sup>0</sup>С ҳароратда 7 сутка давомида, сўнг 7 сутка мобайнида -10<sup>0</sup>С ҳароратда сақлаш йўли билан. Ҳар бир ҳарорат шароити учун тажриба 5 марта такрорланди.

Суртмаларнинг коллоид турғунлиги 15 дақиқа мобайнида тезлиги 1000 айл./дақ. центрифугада ўрганилди. Тажрибалар ҳар бир туркум суртма учун 5 марта такрорланди. Ўтказилган тажрибалар гидрофоб вазелин ва ланолин асосда тайёрланган суртмаларнинг турғунлиги ижобий натижа кўрсатди, яъни суртмалар каватларага ажралмади. Эмульсион асосда тайёрланган суртмада каватланиш кузатилди.

Кейинги тажрибаларда гидрофоб - вазелин-ланолин асосда тайёрланган суртмалар таркибида флавоноидлар миқдори ўрганилди [6].

**“Аллергодерм” суртма таркибидаги флавоноидлар миқдорини аниқлаш.** 5 г препаратни 50 мл ҳажмли колбага жойлаштирилди ва белгисига 70% спирт билан тўлдирилди, каттик чайқатилди ва шундан сўнг 20 дақиқага қолдирилди. Сўнг эритма 3000 ай/дақ 30 дақиқа давомида центрифуга қилинди.

10 мл супернатан ҳажми 25 мл ўлчов колбасига солинади ва устидан 5 мл 96% этил спирти, 70% этил спиртида эритилган 5% аммоний хлорид эритмасидан 5 мл қўшиб аралаштирилади, 10 дақиқадан сўнг, 70% этил спиртида эритилган 5% сирка кислотаси эритмасидан 2 мл қўшиб аралаштирилади ва эритманинг ҳажми 70% этил спирти билан белгисига етказилади, аралаштирилади ва 30 дақиқага қолдирилади.

Олинган эритманинг оптик зичлиги спектрофотометрда 408 нм тўлқин узунлигида девор калинлиги 10 мм кюветада ўлчанади. Олинган эритманинг оптик зичлигини ўлчаш билан бир вақтда компенсацион эритма сифатида келтирилган тартибда фақат 70%

этил спиртида эритилган 5% алюминий хлорид эритмаси қўшилмасдан тайёрланган эритманинг ҳам оптик зичлиги ўрганилади.

Параллел тартибда бир хил шароитда тайёрланган, таркибида 1 мл рутинни стандарт ишчи намуна эритмасининг (РСО рутин) ва 2 мл 5% сирка кислотасининг 70% этил спиртидаги эритмаси сақлаган эритманинг оптик зичлиги ҳам ўрганилди.

Суртма таркибидаги флавоноидлар миқдори фонзда (%) рутин ҳисобидан қуйидаги тенглама бўйича ҳисобланди:

$$X = \frac{D \times m_0 \times P \times 100 \times 25 \times 1 \times 100}{D_0 \times 100 \times 10000 \times 10 \times 25} = \frac{D \times m_0 \times P}{D_0 \times 100}$$

Бу ерда, D - ўрганилаётган препаратнинг оптик зичлиги; D<sub>0</sub> - солиштирма эритманинг оптик зичлиги; m<sub>0</sub> - рутин стандарт намунасининг тортма массаси, мг; P - рутин стандарт намунаси сифат сертификатида кўрсатилган рутин миқдори, %.

**Изох.** 1. *Рутин ишчи стандарт намуна эритмасини тайёрлаш.* 25 мг атрофида (аник тортма) 135<sup>0</sup>С ҳароратда доимий массагача қуритилган рутин ҳажми 100 мл ли ўлчов колбасига солинади ва 80 мл 96% этил спиртида сув ҳаммомида эритилади. Эритма совиганидан сўнг, эритманинг ҳажми 96% этил спирти билан белгисига етказилади ва аралаштирилади.

2. *5% алюминий хлорид эритмасини тайёрлаш учун* 5 г алюминий хлорид ҳажми 100 мл ли ўлчов колбасига солинади ва 70% этил спиртида эритилади, эритманинг ҳажми аралаштириб турилиб 70% этил спирти билан белгисига етказилади.

3. *5% сирка кислотаси эритмасини тайёрлаш.* Ҳажми 100 мл ўлчов колбасига 5 мл музлаган сирка кислотаси солинади ва 70% этил спирти билан аралаштирилиб туриб, белгисига етказилади.

Суртма таркибидаги флавоноидлар миқдорини аниқлаш натижаси 2–жадвалда келтирилган.

2-жадвал

“Аллергодерм” суртмаси таркибидаги флавоноидлар йнғиндисини миқдорини аниқлаш натижалари

x%	Метрологик тавсифи
0.0110	Xўр = 0,01092, S = 0,00008, Sx = 0,00004, t(95%,4) = 2,776, ΔX = 0,00023, ΔXўр = 0,00010, E, % = 2,12689, E, %ўр = 0,95118
0.0110	
0.0109	
0.0109	
0.0108	

Олиб борилган тажрибалар натижасида суртма таркибидаги флавоноидлар миқдори 0,01% дан кам бўлмаслиги керак, деб топилди.

**Олинган натижалар муҳокамаси.** Олиб борилган тажрибалар натижасида кўп компонентли суртма таркибига маҳаллий ўсимлик хом ашёлари асосида олинган «Аллергодерм» суюқ экстракти, димедрол, левофлоксацин, борат кислотаси, кремний суви 0,6%, ментол каби дорин моддаларни, шунингдек икки хил асос - вазелин ва сувсиз ланолин (1 турдаги асос) ҳамда кунгабоқар мойи ва асалари муми (2 турдаги асос) каби моддалар танлаб олинди ва суртмаларнинг

умумий технологияси бўйича суртма олинди. Олинган суртмаларнинг ташқи кўриниши, бир хиллиги, рН кўрсаткичи, термик ва коллоид турғунлиги баҳоланди. Олинган натижаларда гидрофоб - вазелин-ланолин асосда олинган суртмаларнинг сифати ижобийлигини кўрсатди.

**Хулоса.** Олиб борилган тажрибаларда аллергиядерматозларни сиртдан даволаш учун «Аллергодерм» суртманинг технологияси ишлаб чиқилди, суртмаларнинг ташқи кўриниши, бир хиллиги ва термик ва коллоид турғунлиги баҳоланди ва ижобий натижалар олинди.

#### Адабиётлар

1. Бутов Ю.С., Подолич О.А. Атопический дерматит: вопросы этиологии, патогенеза, методы диагностики, профилактики и лечения [Электронный ресурс]/Ю.С. Бутов// Русский медицинский журнал. - 2002. - №4. - С. 24-30.
2. Фитотерапия при аллергиядерматозах / Т.Л. Киселева и др. // Рос. аптеки 2006. - №8. - С. 30-32.
3. Дмитрук С.Е. Лекарственные растения, сырьё и фитопрепараты: учебное пособие: в 2 ч./С.Е. Дмитрук. - Томск: СибГМУ, - 2004. - Ч. 1. - 543 с. Ч. 2. - 527 с.
4. Разработка технологии жидкого экстракта «Аллергодерм» для лечения аллергиядерматозов/ Ш.Ш.Холмуродов, Н.С.Файзуллаева и др./Сборник материалов международной научно-практической конференции «Ліки - людині, сучасні проблеми фармакотерапії і призначення лікарських засобів». - Харьков, - 2019. - С.290-291.
5. Имамалиев Б.А., Файзуллаева Н.С. Стандартизация жидкого экстракта-концентрата «Фитодерм» // Фармацевтический журнал. - 2013. - №2. - С. 25-29.
6. Имамалиев Б.А., Файзуллаева Н.С. Стандартизация эмульгеля «Фитодерм» // Фармацевтический журнал. - 2013. - №3. - С. 27-30.

#### Ш.Ш. Холмуродов, Н.С. Файзуллаева

##### Аллергияга қарши таъсирга эга суртма технологияси ва сифатини баҳолаш

Гидрофоб ва эмульсион асосларда «Аллергодерм» суртмасининг таркиби ва технологияси ишлаб чиқилди. Олинган суртмаларнинг ташқи кўриниши, бир хиллиги, рН кўрсаткичи, термик ва коллоид турғунлиги, суртма таркибидаги флавоноидлар миқдори баҳоланди. Бунда гидрофоб – вазелин-ланолин асосда тайёрланган «Аллергодерм» суртмаси термик ва коллоид турғунликни намоён қилди.

**Таянч сўзлар:** аллергия, суртма, технология, суртма асослари, сифат кўрсаткичи.

#### Sh.Sh. Kholmurodov, N.S. Fayzullaeva

##### Technology and quality assessment of antiallergic ointments

The composition and technology of «Allergoderm» ointment on a hydrophobic and emulsion basis have been developed. The obtained ointments were evaluated by their appearance, uniformity, pH, thermal and colloidal stability, the quantitative content of the sum of flavonoids in terms of rutin (not less than 0,01%) was determined. At the same time, Allergoderm ointment, prepared on a hydrophobic - vaseline-lanolin basis, showed good thermal and colloidal stability.

**Key words:** allergy, ointment, technology, the basis for ointments, quality indicators.



